

“KAFIL-SUG`URTA”
акциядорлик жамиятининг
2024 йил учун
БИЗНЕС-РЕЖАСИ

Тошкент -2024

I. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

1.1 Жамият тўғрисида умумий маълумотлар

1. Тўлиқ ва қисқартирилган номи:

"KAFIL-SUG'URTA" акциядорлик жамияти (матнда кейинги ўринларда – Жамият деб юритилади);

"KAFIL-SUG'URTA" АЖ

2. Жамиятнинг юридик ташкилот сифатида рўйхатдан ўтказилган саналар:

"KAFIL-SUG'URTA" масъулияти чекланган жамияти аввал масъулияти чекланган жамият ташкилий-хуқуқий шаклида таъсис этиш йўли билан тузилганлиги 2004 йил 2 июнда 13-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган, кейинчалик таъсис хужжатларига ўзгартишлар киритилганлиги муносабати билан 2005 йил 1 июнда 08-3976/5-рақам, 2006 йил 13 октябрда 08-7331/6-рақам, 2007 йил 6 мартда 08-183/4-рақам, 2007 йил 27 сентябрда 08-969/4-рақам, 2007 йил 24 декабрда 08-1374/4-рақам, 2008 йил 27 июнда 08-698/4-рақам, 2008 йил 29 декабрда 08-1339/4-рақам, 2009 йил 24 сентябрда 8-1037/4- рақам, 2012 йил 1 июнда 8-485/4- рақам, 2013 йил 25 февралда 8-127/4- рақам, 2014 йил 30 майда 8-5-356/4- рақам, 2017 йил 10 мартда 011741-044- рақам, 2022 йил 19 январда 4688922- рақам ва 2022 йил 11 февралда 1471- рақам билан қайта давлат рўйхатидан ўтказилган, шунингдек Жамият акциядорлик жамияти тарзида 2022 йил 15 февралда 1471-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

3. Жамиятнинг юридик манзили:

Ўзбекистан Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй, почта индекси: 100000.

4. Жамиятнинг электрон почта манзили: info(@kafil.uz.

5. Жамиятнинг расмий корпоратив веб-сайти: www.kafil.uz.

6. Суғурта фаолиятини амалга ошириш лицензияси:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан 2022 йил 24 февралда берилган SF 00038-сонли лицензия

7. Молиявий барқарорлик рейтинги: uzA++ (Ahbor-Reyting)
B2 (Moody's Investors Service)

8. Худудий филиаллар сони: 53

9. Устав капитали ҳажми: 35.701.000.000,0 (ўттиз беш миллиард етти юз бир миллион) сўм

10. Акциядорлари: "KICHIK SANOAT MARKAZI" МЧЖ – 100 %

11. Жамият бошқаруви:

Юқори бошқарув органи - Акциядорларнинг умумий йиғилиши;

- Кузатув кенгаши раиси

Ижро органи раҳбари – Бошқарув раиси

12. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари:

1. Ҳамидов Аҳмат Миркамилович – “O`ztransanoat” Республика Уюшмаси Бошқарув Раиси;

2. Ганиев Саидакмал Саидкаримович – Ўзбекистон Республикаси Халқаро Автомобилда Ташувчилар уюшмаси Раиси ўринбосари;

3. Исаков Утқур Тохирович - “Kichik Sanoat Markazi” МЧЖ директори;

4. Артиков Фуркат Азамжанович – Бош директор лавозимидан Бошқарув раиси лавозимиغا;

5. Муминов Фарход Азимович – Бош директор ўринбосари лавозимидан Бошқарув раиси ўринбосари лавозимиغا;


6. Жантураев Умид Муҳаммадюсупович – Бош директор ўринбосари лавозимидан Бошқарув раиси ўринбосари лавозимиغا;

7. Дадажанов Нодир Бахадирович – Бош бухгалтер лавозимидан Бош бухгалтер лавозимиغا тайинлансин;

8. Шакиров Ўткирбек Тахирович – Инвестиция департаменти директори Бошқарув таркибига киритилсин.

1.2 Суғурта турлари ва ҳудудлар кесимида суғурта мукофотларининг таҳлили

Жамият томонидан йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми 2021 йилда 100,21 млрд сўмни, 2022 йилда 110,41 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йилда ўтган йилга нисбатан 163,1% ўсиш сурати қайд этилди. 2024 йилда ўтган йилга нисбатан 40% дан кўп суғурта мукофоти йиғиш кутилмоқда (1-расм).



1-расм. 2018-2024 йиллар даъвомида Жамиятда йиғилган суғурта мукофоти миқдори, млрд.сўмда.

Жамият суғурта портфелида ихтиёрий усғурта турларининг энг оммабоп бўлган турлари бўлган йўлдаги мол-мулкни суғурталаш, бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, турли касбий жавобгарликлар суғуртаси, экспортни суғурталаш ва саёҳат суғурта турларининг улуши жуда паст даражада. Хусусан, 28.12.2023 йил ҳолатига 2022 йил давомида спорт маданият томошагоҳларида томошабинларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, лизингга берилётган ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш, божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш, умумий овқатланиш корхоналари рискларини комплекс суғурталаш, банк фаолиятини молиявий қалтисликлардан суғурталаш ва юқумли касалликлардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш каби суғурта турлари бўйича умуман суғурта хизматлари кўрсатилмаган.

Суғурта мукофотлари йиғимининг 45,3 фоизи 1-гуруха оид суғурта турларидан 54,7 фоизи эса 2-гурухга оид суғурта турларидан йиғилган.

2023 йил давомида:

- “Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти суд экспертларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш” (Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 ноябрдаги 706-сон қарорига асосан жорий этилган);


- “Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиш” (Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрдаги 321-сон қарорига асосан жорий этилган);

- “Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари қутқарувчиларининг ҳаёти ва соғлиғини мажбурий суғурта қилиш” (Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 июндаги 166-сон қарорига асосан жорий этилган) каби мажбурий суғурта турлари бўйича хизматлар кўрсатилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сон Фармони билан тасдиқданган “Хусусий секторни кенг жалб қилиш ҳамда эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш орқали мавжуд монополияларни бартараф этиш бўйича” чора-тадбирлар режасига кўра 2022 йил июнь ойидан “Ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртаси бўйича хизматлар” ҳамда “Солиқ органлари ходимларининг мажбурий давлат суғуртаси” бўйича хизматларни “Ўзбекинвест” ЭИМ суғурта Жамиятси томонидан ўтказилиши бўйича эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилинди ва суғурта Жамиятларига давлат мажбурий суғурта турлари бўйича хизмат кўрсатилишига имкония яратилди. Бироқ Жамият томонидан ушбу йўналишда ҳам суғурта хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилмаган.


1.3 Суғурта даъволари портфелининг ҳолати

Жамиятга 2023 йилда 2180 та даъво аризалари келиб тушган ва келиб тушган аризаларининг 1208 таси ҳисобот даври давомида тўлиқ қаноатлантирилган. 807 та даъво аризаси суғурта шартномасида кўрсатилмаган қалтислик натижасида кўрилган зарарлар, суғурта ҳодисасини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилмаслик, рўй берган воқеа суғурта шартномасида кўрсатилган истиснолар сирасига кирганлиги сабабли рад этилган.



5-расм. 2018-2022 йилларда Жамиятга келиб тушган суғурта даъво аризалари бўйича маълумот.

2023 йилда Жамият томонидан 73,9 млрд.сўмлик суғурта қопламалари аҳоли ва тадбиркорларга тўлаб берилди. Бу ўтган йилга нисбатан 2,1 баробарга кўп (6-расм).



6-расм. 2018-2023 йиллар давомида Жамият тўлаб берган суғурта даъволари ва йиғилган суғурта мукфотлари бўйича маълумот (млрд.сўмда).

Тўланган суғурта қопламаларининг асосий қисми, кредит қайтмаслик хавфидан суғурталаш, аҳолининг турар жой иморатлари ва уй рўзғор буюмларини комплекс суғурта қилиш, гаровга қўйилган мулк ва транспорт воситаларини суғурталаш, бахтсиз ҳодисалардан суғурталан ва ер усти транспорт воситаларини комплекс суғурталаш каби суғурта турлари ҳиссасига тўғри келади.

2023 йилда келиб тушган даъво аризаларининг ҳолати ҳудудлар кесимида нотекис жойлашган бўлиб, Тошкент шаҳрининг ўзидан келиб тушган даъво аризалари улуши 61,3 фоизни ташкил этади. Тошкент вилояти 4,6 фоиз, Бухоро вилояти 4,2 фоиз, Сурхондарё вилояти 12,4 фоиз ва қолган вилоятлардан келиб тушган аризалар 17,5 фоиз улушга эга (1-жадвал).

1-жадвал.

2023 йилда Жамиятга ҳудудлар кесимида келиб тушган суғурта даъво аризалари ва уларнинг қопланиши бўйича маълумот.

№	Филиал номи	Келиб тушган аризалар сони, дона		Тўлаб берилган суғурта қопламалари миқдори, млн.сўм	
		ЮШ	ЖШ	ЮШ	ЖШ
1	Қорақалпоғистон Республикаси	38	8	634 291,0	35 611,3
2	Андижон вилояти	29	7	540 916,0	9 575,3
3	Бухоро вилояти	74	18	6 725 363,2	78 561,1
4	Жиззах вилояти	12	-	1 070 720,3	-
5	Қашқадарё вилояти	50	1	2 827 449,5	-
6	Навоий вилояти	40	5	4 817 010,9	2 437,4
7	Наманган вилояти	6	1	662 922,8	-
8	Самарқанд вилояти	16	5	595 932,8	23 314,6
9	Сурхондарё вилояти	265	7	5 853 978,7	17 498,0
10	Сирдарё вилояти	23	20	132 470,9	8 900,0
11	Тошкент вилояти	68	33	3 236 968,1	134 712,0
12	Фарғона вилояти	7	1	337 890,4	2 949,2
13	Хоразм вилояти	99	10	3 764 027,0	3 626,1
14	Тошкент ш.	1 192	145	41 433 256,4	1 038 915,4
Жами		1919	261	72 633 198,00	1 356 100,4

1.4 Жамиятнинг инвестиция сиёсати таҳлили.

Жамият томонидан олиб борилган фаол инвестициявий сиёсат инвестиция ҳажмининг кескин ўсишига сабаб бўлди. 2022 йилда Жамиятнинг инвестицияга йўналтирган маблағлари 81,1 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 104,3 млрд.сўмни ташкил этди ва 2021 йилга нисбатан 128,6% фоиз ўсиш қайд этилди. Жамиятнинг иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларининг 49,5 фоизини Республика тижорат банкларига жойлаштирилган депозитлар, 13,9 фоизини Жамиятнинг ташкилотлар устав фондидаги иштироки ва қолган қисмини бошқа инвестициялар ташкил қилади.

1.5. Ходимлар билан ишлаш сиёсати

Жамият бўйича 2023 йил якунига кўра ходимлар сони 117 тани ташкил этиб, уларнинг билим даражаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жамиятда меҳнат қилаётган ходимлар жамоасининг 71 фоизи Олий маълумотли, 29 фоизи эса ўрта маълумотли ходимлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва уни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412 сонли Қарорларини ижросини таъминлаш ҳамда талаба ёшлар ўртасида суғурта маданиятини ошириш, фан-таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини такомиллаштириш ва уларни касбга йўналтириш, аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлар сифатини янада яхшилаш шу билан бирга аҳолини суғуртавий ҳимоялаш доирасини кенгайтириш мақсадида Жамият тизимида, “Малакали ходимлар тайёрлаш тармоқ маркази” ташкил этилди.

Бу эса ўз навбатида, замонавий суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш, рақобатни кенгайтириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, янги суғурта маҳсулотларини жорий этиш ҳамда суғурта бозорига етакчи ва малакали мутахассисларни етиштириб бериш учун шарт - шароитлар яратилганлигидан далолат беради.

2. ЖАМИЯТНИНГ 2024 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БИЗНЕС РЕЖАСИ

2.1. 2024 йилда Жамиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Жамиятни устувор йўналишлари асосий мақсади Жамиятни суғурта бозорида рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, суғурта операцияларининг ишончилиги ва рентабеллиги бўйича халқаро стандартларга жавоб берадиган суғурта портфелини яратишдир.

Жамиятнинг барқарор ва тизимли ривожланиши учун Жамиятнинг 2023 йилда қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб олинган.

1-йўналиш. CRM (*Customer Relationship Management*) орқали суғурта хизматлари кўрсатиш қамровини ошириш. Жамиятда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, Онлайн суғурта хизматларини сотиш, ҳудудларда Жамиятнинг янги филиал ва бўлимларини очиш.

2-йўналиш. Ходимлар малакасини мунтазам ошириш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш.

3-йўналиш. Жамият моддий техника базасини замон талабидан келиб чиққан ҳолда янада бойитиш.

4-йўналиш. Маркетинг ва рекламани кучайтириш, суғурта хизматлари сифати ва рақобатбардошлигини таҳлил қилиш.

5-йўналиш. Корпоратив бошқарувнинг замонавий тизимини жорий этиш;

6-йўналиш. Комплекс интеграциялашган ахборот тизимини жорий этиш.

Жамият ўзининг 2023 йилга мўлжалланган устувор мақсадларига эришиш учун қуйидаги режаларни амалга оширади.

2.2 Суғурта маҳсулотларини сотиш йўллари ва маркетинг сиёсатини такомиллаштириш режаси

Замонавий суғурта маркетинги – бу суғурталанувчи эҳтиёжини тўлиқ қондириш ва унинг даромадини ошириш мақсадида Жамият хатти-ҳаракатларини концентрациялашга қаратилган ўзига хос фикрлаш усулидир. Шу боис, замонавий шароитларда суғурталовчиларнинг маркетинг тадбирларини оптималлаштириш ўзига хос аҳамият касб этади, яъни суғурта хизматлари миқдори ва сифатини унинг рентабеллигидан келиб чиқиб ўлчаш талаб этилади.

SWOT-таҳлил: Жамиятнинг кучли ва кучсиз тарафлари:

Кучли томонлари (Strengths)	Кучсиз томонлари (Weaknesses)
<ul style="list-style-type: none"> - доимий корпоратив мижозларнинг мавжудлиги; - Бош офиснинг асосий лавозимларда малакали кадрларнинг мавжудлиги; - кенг ҳудудий филиалларнинг мавжудлиги; - етарли даражада янги моддий техник базанинг мавжудлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> - Жамият брендининг омма орасида кам танилиши, медиа майдонида Жамият тўғрисида маълумотлар етишмаслиги, мижозларга кўрсатилаётган хизматларнинг ўрта даражада қондирилиши; - кадрлар қўнимсизлиги, ҳудудий бўлинмалардаги кадрларнинг малакаси етарли даражада эмаслиги; - айрим масалаларни ҳал этишда тезкорликнинг мавжуд бўлмаслиги; - суғурта тушумларининг асосий қисми банкга боғлиқ бўлган турлар орқали йиғилиши.
Имкониятлар (Opportunities)	Хавф-хатарлар (Threats)
<ul style="list-style-type: none"> -суғурта хизматларини онлайн кўрсатиш бўйича етарли тажриба ва имконият борлиги; -аҳолининг суғуртага бўлган эҳтиёжи йил сайин ўсаётганлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> -Жамият томонидан йиғилган суғурта мукофотларининг асосий қисми тижорат банклари орқали йиғилаётганлиги ва юқори даражада банкларга боғлиқлиги; -суғурта бозорида демпинг сиёсати суғурта тарифларини камайтириш асосида қўлланилаётганлиги; - Кэптив суғурта Жамиятлари сони ортиши; - паст капиталлаштириш даражаси;

Ушбу SWOT таҳлилдан келиб чиқиб, департамент томонидан 2024 йилда қуйидаги йўналишлар бўйича ишлар олиб борилади.

1. Суғурта хизматларини ривожлантириш йўналидишида:

- потенциал мижозларни ўрганиш. Жамиятинг суғурта агентлари, филиал ходимлари орқали Жойларда мижозларнинг сўровномасини ўтказиш.
- рақобатчиларни ўрганиш, рақобат шакллари ва даражасини аниқлаш.
- нарх сиёсатини ҳамда таклифларини ўрганиш, тариф ставкалари борасида рақобатчиларнинг устунлигини аниқлаш.

2. Жамиятнинг ижобий имиджини шакллантириш йўналишида:

- Жамият ҳақидаги барча маълумотларни тақдим этишнинг ягона стандартини шакллантириш;

– Жамиятнинг Андижон, Хоразм, Фарғона, Жиззах, Самарқанд вилоят филиалларининг офисларини корпоратив услубга мувофиқ ягона шаклга келтириш;

– Жамиятнинг тажрибаси ва мақомини очиб берадиган тасвир видеоларини яратиш;

– Жамиятнинг Веб-сайти бўйича: доимий равишда ҳолатини ўрганиш ва янгилаб бориш, замон талабига мослаштириш, Жамият томонидан амалга оширилаётган ишларни ёритиб бориш, онлайн хизматларни ривожлантириш.

3. Рақобат муҳитини ўрганиш ўнчилишида:

– суғурта бозорини таҳлили асосида, суғурта хизматларининг ўзига хос нархларини (тарифларини) шакллантириш;

– рақобатчиларни ўрганиш, хусусан, ўтказиладиган реклама Жамият, унинг сифати, усуллари ва ҳажми ҳақида маълумот берувчи оммавий ахборот воситаларининг ҳамда веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини (Facebook, Instagram, Telegram) мониторингини амалга ошириш. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали Компанияларнинг рейтингларини ўрганиб бориш;

– рақобатчиларни таҳлил қилиш асосида суғурта хизматларини ривожлантириш бўлимига мақсадли таклифини ишлаб чиқиш;

– онлайн суғурта хизматлар турларини кўпайтириш;

4. Мижозларнинг талабини таҳлил қилиш ва кўрсатилаётган хизматларни сифатини ошириш йўналишида:

– Жамият мижозлари ўртасида, шу жумладан ҳудудларида сўровномалар, интервьюлар орқали кўшимча хизматларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш (шахсий суҳбатлар, телефон орқали суҳбатлар, почта орқали сўров);

– Жамиятнинг ижтимоий саҳифаларида обуначилар ўртасида онлайн сўров ўтказиш (Facebook, Instagram, Telegram);

– янги суғурта турлари бўйича янги маркетинг инструменталрни қўллаган ҳолда реклама кампаниясини ташкил этиш;

– Жамият томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини доимий равишда мониторинг қилиш;

– потенциал суғурталовчиларнинг барча тоифаларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш, эҳтиёжларини қондириш, устуворлигини таъминлаш ва суғуртанинг асосий функциясини амалга ошириш-суғурта шартномалари бўйича йўқотишларни қоплаш, уларга хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш (шу жумладан амал қилиш муддати давомида ва йўқотишларни қоплаш жараёнида уларни қўллаб-қувватлаш);

– Жамиятнинг корпоратив веб сайтида тегишли маълумотларни ёритиб бериш, мижозларга маслаҳат бериш, суғурта шартномасини тузишда уларга суғурта шартларини тушунтириш, зарарни қоплаш тартибини тушунтириш,

суғурта тўловлари миқдорини аниқлаш ва суғурта ҳодисаси рўй берганда хабар бериш тартибини белгилаш;

– Худудий филиаллар ҳодимларига сотув техникаси бўйича online ва offline тренинглари ташкиллаштириш.

5. Мижозлар билан қайта алоқа ўрнатиш учун эффектив каналларни ташкил этиш йўналишида:

– мижозлар томонидан келиб тушаётган мурожаатлар ва сўровларга тезкор ва сифатли жавоб бериш мақсадида “Call-center” операторларини ҳамда Жамият ҳодимлари малакасини ошириш ва мижозларнинг мурожаатлари қай даражада кўриб чиқиляётганини назоратини олиб бориш;

– Жамиятнинг телеграм-ботини ташкил этиш, ҳамда ундан унумли фойдаланган ҳолда мижозлар билан интерактив алоқани ўрнатиш;

– мижозларга байрам ва туғилган кунлари учун табрикномалар билан СМС-хабарномаларни жорий этиш;

6. Йирик мижозларни жалб қилиш ва потенциал мижозларни Жамият хизматлари тўғрисида хабардор қилиш йўналишида:

– Жамият реклама стратегияси ва Медиа-режасини ишлаб чиқиш, оммавий ахборот воситаларида рекламани ташкил қилиш, мамлакатда реклама ва талабни рағбатлантириш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш, матбуот анжуманлари ҳамда бошқа тарғибот тадбирларини доимий ўтказиб бориш;

– Потенциал мижозларни Жамият хизматлари тўғрисида хабардор қилиш ва компания брендини танитиш мақсадида шаҳар марказларида жойлашган баннерларга компания рекламасини жойлаштириш.

– ОАВларида чиқишларни кўпайтириш орқали ижтимоий тармоқларда кузатувчилар сонини ошириш, турли хил оммавий тадбирларда қатнашиш ва лойиҳаларда иштирок этиш. Шунингдек, ёшларни турли лойиҳаларда қўллаб-қувватлаш;

– Жамиятнинг ихтиёрий суғурта турларини тарғиб қилувчи видеороликлар яратиш;

– Мақсадли босма реклама материалларни тарқатиш;

– Худудларда турли тақдимотлар, семинар ва конференциялар ташкил этиш;

– Мижозлар учун мақсадли акцияларни ташкил этиш;

Жамиятнинг юқорида белгиланган режаларни ҳисобга олган ҳолда, унинг нуфузини яхшилаш, замонавий шароитларда ишлашни ташкил этиш ва Жамиятнинг мавжуд ва потенциал мижозларига тақдим этиладиган хизматларнинг ҳажмини ошириш учун бозор қамровини кенгайтириш, минтақавий тармоқни янада ривожлантириш зарур. Шу жумладан:

– мавжуд филиалларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш;

– Республиканинг энг истикболли хуудларида янги филиаллар ва суғурта марказларини очиш;

– потенциал суғурталовчилар бўлган жойларда энг кўп талаб қилинадиган суғурта хизматларини сотиш пунктлари тармоғини ташкил этиш.

Минтақавий тармоқ Жамиятнинг 50 дан ортиқ филиалларидан иборат бўлиб, улар моддий-техник базани янгилаш, шу жумладан офис майдони, мебел ва офис жиҳозларини сотиб олиш ва таъмирлаш. Ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, 2024 йилда офис майдонларини капитал таъмирлаш ва яхшилаш жараёнини давом эттириш мақсадга мувофиқ.

2.3 Ихтиёрий суғурта хизматларини ривожлантириш режаси

Жамият ҳудудий филиаллари томонидан ўтган йилларда йиғилган суғурта мукофотларининг асосий қисми тижорат банкларига боғлиқ бўлган суғурта турлари асосида йиғилган бўлиб, бу Жамиятнинг тижорат банклари фаолиятига юқори даражада боғлиқлигини билдиради.

2024 йилда ихтиёрий суғуртанинг тижорат банкларига боғлиқ бўлмаган турларини янада ривожлантириш, халқаро тажрибани ўрганиш ва суғурта хизматларининг янги турларини ишлаб чиқиш ҳамда кросс сотувларни (суғурта қилдирувчига асосий суғурта хизматига қўшимча хизматларни таклиф этиш) мақсадида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

– мавжуд суғурта турларини таҳлил этиш, уларнинг қоида ва намунавий шартномаларини қайта кўриб чиқиш орқали суғурта полисларининг оммабоплигини таъминлаш;

– 2024 йил январ ойидан CRM тизимини тўлиқ тадбиқ этиш, кунлик қилинган ишларни киритилишини таъминлаш ва тизимдан унумли фойдаланиш;

– ҳар бир ҳудуднинг суғурта майдонини CRM тизимдан фойдаланиб таҳлил қилиш, суғурта майдони ва потенциалини ўрганиш орқали қоқоқ филиалларни ривожлантириш бўйича алоҳида асосланган манзилли таклифлар ишлаб чиқиш (вилоятдаги суғурта бозорини ўрганиб, янги манбалар, ишламаётган суғурта турларини сотувини йулга қуйиш, янги малакали ходимларни жалб қилиш, шу жумладан TRAVEL, КАСКО, бахтсиз ходисалардан суғурталаш, янги суғурта суғурта маҳсулотларни ишлаб чиқиш);

– электрон турдаги суғурта хизматларини ривожлантириш, онлайн полис сотишни тадбиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган йўл харитасига асосан ишларни олиб бориш, янги тижорат банклари билан онлайн сотувни ривожлантириш (АТБ “Микрокредитбанк”, АТБ “Туронбанк”, АТБ “Халкбанк” ва хоқазо).

Жамиятда ҳар бир ихтиёрий суғурта тури бўйича кўрсатиладиган суғурта хизматларини ривожлантириш мақсадида “Суғурта хизматларини оммалаштириш” тамойилини амалиётга тўлиқ тадбиқ этиш, хусусан:

а) мавжуд ихтиёрий суғурта турларини масъул ходимларга бириктириш орқали ҳудудий филиаллар томонидан сотув жараёнини ҳафталик мониторинг қилиб бориш;

б) мавжуд ихтиёрий суғурта турларини ва хизматларини оммалаштириш мақсадида ҳудудий филиалларга хизмат сафарларини уюштириш ва потенциал миждозлар билан учрашувлар ташкил этиш, уларга тижорат таклифларини етказиш, инвестицион лойихалар бўйича ишларни ташкил этиш;

в) ҳудудий филиалларнинг суғурта хизматларини кўрсатиш ва маҳсулотларни сотишлари учун иш жойларини ихтисослаштириш юзасидан тегишли чораларни кўриб бориш;

г) суғурта маҳсулотларини сотувини тизимли йўлга қўйиш ва бу тизимни ривожлантириб бориш ишларини ташкил этиш.

2.4 Мажбурий суғурта турларини ривожлантириш режаси

Жамиятда мажбурий суғурта турларини ривожлантириш бўйича 2024 йилда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

– Худудларда мажбурий суғурта турлари билан бевосита иш олиб борадиган кадрлар сиёсатини амалга ошириш, ходимларни шакллантириш ва бошқариш, меҳнатни рағбатлантириш оптимал вариантини яратиш;

– 2024 йил I чорак якунига қадар ҳудудий филиаллар ходимлари билан туманлар кесимида шакллантирилган рўйхат асосида мажбурий суғурта турлари бўйича тижорат таклифларини бериш ва суғурта қамровини кенгайтириш;

– ҳудудий филиаллар билан вилоятлар кесимида йирик солиқ тўловчи корхоналар рўйхатини шакллантириб, рўйхат асосида ҳар бир корхонага алоҳида ёндошган ҳолда суғурта маҳсулотларини таклиф қилиш, вилоят ва туман хокимликлари билан ҳамкорлик ўрнатиб улар ёрдамида жойлардаги ташкилот ва корхонларига мажбурий суғурта турлари бўйича тарғибот ишларини олиб бориш;

– аниқ манзилли потенциал миждозлар билан шакллантирилган рўйхат асосида янги мажбурий суғурта майдонини янгилаб бориш ва мажбурий суғурта турларини оммалаштириш орқали сотиш механизминини янада ривожлантириш;

– мажбурий суғурта турларининг ўзига хослиги, уларни сотиш технологиялари ва ҳудудий ривожлантириш йўналишларидан келиб чиқиб, тегишли таклифлар киритиб бориш;

– Жамият томонидан кам ишлатилган мажбурий суғурта турларини бошқа илғор суғурта компаниялар ёки хориж тажрибасини ўрганиб чиққан холда сотувинин йўлга қўйиш;

– Жамият ҳудудий филиаллари томонидан мажбурий суғурта турлари бўйича тузилаётган суғурта шартномалари/полисларини масофадан доимий мониторинг қилиб бориш;

– Республика даражасидаги ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва суғурта қамровини ошириш учун мэморандумлар имзолаш;

– мажбурий суғурта турлари бўйича янги суғурта майдонларини аниқлаш ва суғурта қамровини кентайтириш бўйича ҳудудий филиалларига хизмат сафарларини уюштириш, ҳамда Республика миқёсидаги ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

2.5 Суғурта даъволарини кўриб чиқиш, превентив чоралар ва суброгация йўналишларини ривожлантириш режаси

Жамиятда суғурта даъволарини кўриб чиқиш жараёнини автоматлаштириш, келиб тушган аризаларни онлайн кузатиш имкониятини яратиш, тўланган суғурта қопламалар ва регресс тарзида ундирилган маблағларни i-Polis ва 1С ўрасида интеграция қилиш орқали ҳисобини юритиш тизимини яратиш бўйича 2024 йилда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

– аҳолининг суғуртавий саводхонлигини ошириш мақсадида тўланаётган суғурта қопламалари тўғрисида компания веб-сайти, ижтимоий тармоқлар ва бошқа ОАВ лари орқали маълумотлар бериб бориш;

– 2023 йилда кўрилган даъво ишларида филиал томонидан шартнома тузишда суғурта қиймати паст кўрсатилиши оқибатида бир неча ўн миллионлаб ортикча пул тўланишига сабаб бўлди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун 2024 йилда шу мавзуга доир онлайн дарсларни кўпроқ ташкиллаштириш;

– i-Polis дастурининг Суғурта даъволари учун мўлжалланган бандини 2024 йилда тўлақонли юритиш. Юзага келган муаммолар ва ушбу муаммоли ҳолатларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар бериш;

– Жамият томонидан тўлаб берилган суғурта тавонлари бўйича, Юридик ва Жисмоний шахсларнинг телефон рақамига СМС орқали хабарномалар жўнатиш ҳамда уларнинг фаолият жойлари ва уй манзилларига Талабномаларни почта орқали юборишни автоматлаштириш;

– Тижорат Банклари ва Жамият томонидан имзоланган Бош келишувга асосан, Тижорат Банкларининг мижозларига Жамият томонидан тўлаб берилган суғурта тавон пулларини ундириш мақсадида, Ўзбекистон савдо-

саноат палатаси ҳамда Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларга даъво аризалар критич. Ушбу критилган даъво аризалар бўйича ҳолатларни аниқлаб бориш ва зарурият туғилганда суд муҳокамасида иштирок этиш;

- шу жумладан давлат нотариал идоралари орқали Жамият томонидан тўлаб берилган қарздорларга қарор чиқариш чораларини ўрганиб чиқиш;

- регресс қилинган шартномалар бўйича тўланган товон пулларини 1С i-Polis дастурига автомат равишда ўтказиш ва шартномага бириктиришни жорий қилиш;

2.6 Жамиятда суғурта фаолиятини автоматлаштириш ва Ахборот технологияларини кенг жорий этиш режаси

Жамиятда ахборот технологияларини қўллаш ва суғурта фаолиятини автоматлаштириш долзарб йўналиш ҳисобланади.

2024 йилда Жамиятда ахборот технологиялари йўналишини ривожлантириш борасида қуйидагилар амалга оширилади.

i-Polis маълумотлар базасини такомиллаштириш бўйича:

- суғурта фаолияти автоматлаштирилган i-Polis дастурининг шартномалар қисмларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, электрон шартномаларни такомиллаштириш;

- суғурта фаолияти автоматлаштирилган i-Polis дастурининг суғурта даъволари бўлимига, суғурта даъволари портфелига ва суғурта даъволари ҳисоботлар бўлимларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- суғурта фаолияти автоматлаштирилган i-Polis дастурининг регресс бўлимига, регресс портфелига ва регресс ҳисоботлар бўлимларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Жамиятнинг электрон ва онлайн суғурта турлари учун тўловларни электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилишини такомиллаштириш бўйича:

- ягона тасдиқланган шаклдан фойдаланган ҳолда CLICK, PAYME, OSON, APELSIN, PAYNET электрон тўлов тизимлари орқали мижозлар томонидан электрон ва онлайн суғурта турлари учун тўловларни қабул қилиш;

- суғурта фаолияти автоматлаштирилган i-Polis дастури билан электрон тўлов тизимларининг интеграциясини тўлиқ амалга ошириш;

Жамиятнинг веб-сайти бўйича:

- мажбурий суғурта турларининг электрон ва онлайн версияларини веб-сайтда ишлатиш;

- ихтиёрий суғурта турларининг электрон ва онлайн версияларини веб-сайтда ишлатиш;

- веб-сайтга қўйилган талабларни бажариш ишлари;

- веб-сайтга Жамият суғурта фаолиятида рўй берган ҳодисалар, янгиликларни киритиб бориш;

- веб-сайтни фойдаланувчилар учун соддалаштирилган ҳолатга келтириш;

- веб-сайтдаги ходимлар учун мўлжалланган “Булутли тизим”ни такомиллаштириш ишлари;

Жамиятнинг ижро интизоми бўйича:

- Жамиятда ижро интизоми амалга ўшириш учун тўлиқ PEGAS тизимини жорий қилиш;

- Жамиятнинг бизнес ҳамкорлари билан ҳужжат алмашинувида фақат корпоратив электрон почта орқали амалга оширилишини тўлиқ жорий қилиш;

- Жамиятнинг Суғурта бозорини ривожлантириш Агентлиги билан ҳужжат алмашинувида фақат EXAT тизими орқали амалга оширилишини тўлиқ жорий қилиш;

Жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича:

- Жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ходимлар билан яқиндан ишлаш;

- ахборот хавфсизлигини таъминловчи дастурларни янгилаб бориш ишлари;

Жамият ахборот технологиялари моддий техник базаси бўйича:

- Жамият ахборот ресурсларига талаблар ошганлиги ва суғурта фаолияти автоматлаштирилган i-Polis дастурини тўлиқ назорат қилиш мақсадида, янги замонавий сервер ва сервер қурилмасига тегишли қўшимча воситаларни ҳарид қилиш;

- Жамият ишчи станциялари – компьютерларни модернизация қилиш ишлари;

- Жамият ишчи станцияларида – компьютерларда операцион тизимни, офис дастурларини ва қўшимча дастурларни янгилаб бориш ишлари;

- Жамият янги филиаллари учун янги моноблок компьютер ва кўп функцияли қурилмаларни ҳарид қилиш ишлари;

Жамият интернет тармоғи бўйича:

- Жамиятнинг асосий интернет тармоғи ишчи фаолиятини доимий таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

- Жамиятнинг асосий интернет тармоғига янги резерв интернет тармоғини олиш;

- Жамият корпоратив электрон почтаси учун алоҳида талабларга жавоб берадиган интернет тармоғини ишга тушириш;

Жамиятда электр энергияси ўчганда ҳолатида:

- Жамият асосий электр энергияси таъминотидан узулган ҳолатида, ахборот технология қурилмаларининг тўлиқ ишчи ҳолатини сақлаш

мақсадида, барча ишчи станцияларга – компьютерларга замонавий Узлуксиз кувват манбаи курилмаларини харид қилиш.

2.7 “Малака ошириш” маркази томонидан 2024 йилда амалга оширилиши режалаштирилган устувор йўналишлар.

Жамиятнинг “Малака ошириш” маркази томонидан 2024 йилда ходимларнинг меҳнат унумдорлигини янада ошириш, уларни мунтазам равишда ўз устида ишлашлари ҳамда самарали меҳнат фаолиятини олиб боришлари юзасидан қатор ижобий ишлар амалга оширилди шу билан бирга марказ фаолиятида туб ўзгаришлар кузатилди. Хусусан:

- Жамият тизимида “Moodle” платформаси ишга туширилди ҳамда платформада ходимларнинг фаолият туридан келиб чиқиб махсус бўлимлар очилиб, ишга янги қабул қилинаётган ва доимий ходимлар учун соҳа юзасидан тегишли ички меъерий хужжатлар ва махсус ўқув адабиётлари электрон жамланмаси шакллантириб келинмоқда;

- ходимларни Бош офисга келиб малака оширишлари учун шароитлар яратилди ҳамда махсус курсларга жалб этилди, бу эса ходимларни соҳа юзасидан янгиликлардан доимий хабардор бўлиш ва ўз устида ишлаши учун хизмат қилади;

- ишга янги қабул қилинган ходимлар учун уларни соҳани ўрганиш ва ишга мослашиши кўмаклашиш борасида онлайн ва офлайн кўринишда ўқув семинарлар ўтказиш тизими жорий этилди;

- Жамиятда амалиёт, стажировка ўташ ва ишга янги қабул қилинган ходимлар учун махсус йўриқнома ишлаб чиқилди ҳамда ушбу йўриқномага асосида улар билан суҳбат ўтказиш юзасидан саволномалар ишлаб чиқилди ва сайтга жойлаштирилди;

- ТДИУ ташкил этилган илмий-амалий лабораторияда суғурта агентлари тайёрлаш юзасидан суғурта бозорини қатор мутахасис ходимлари ва суғурта компаниялари раҳбарлари иштирокида мунтазам равишда ўқув семинарлар ташкил этилди;

- Жамиятнинг “Худудий филиаллар фаолиятларини баҳолаш, рейтингини юритиш, ходимлар ўртасида кўрик танлов ташкил этиш ва унинг ғолибларини тақдирлаш тўғрисида”ги Низомга мувофиқ марказ “Молиявий таҳлил” департаменти билан биргаликда тегишли департаментлар томонидан филиаллар тегишли йўналишлар бўйича баҳоланиши ҳамда паст кўрсаткичга эришган филиаллар билан камчиликларни бартараф этиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориб келинмоқда;

Шундан келиб 2024 йилда Марказ томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилиши режалаштирилган.

1. Жамиятда ташкил этилган Moodle платформасидан максимал даражада фойдаланиш ҳамда барча зарурий маълумотлар баъзасини юклаб бориш ва янгилаш шу билан бирга платформа негизда ходимлар рейтингини юритиш. Ҳар чорак якуни бўйича энг фаол ва юқори баллни эгаллаб турган ходимларни махсус совғалар билан мукафотлаб бориш.

2. Марказ ўқитиш тизимини ташкил этишда қуйидаги босқичларни амалга оширади:

2.1. *Ўқитилиши зарур бўлган мавзуларни аниқлаб бориш (бунда, тегишли таркибий бўлинмалардан ахборотлар олиб бориш, йўл қўйилаётган камчиликларни кузатиб бориш ва уларнинг сабабини аниқлаб бориш ва х.к)*

2.2. *Ўқитиш ишлари учун зарурий таъминотни белгилаб олиш;*

2.3. *Ўқитиш режа ва дастурини тузиб олиш;*

2.4. *Ўқитиш шаклини ва турини белгилаш;*

2.5. *Ўқитиш. (бунда, танланган мавзунини ҳар бир ҳаракатнинг кетма-кетлигида, мисоллар кесимида ва қулай қилиб тушинтириши тамойилларига риоя этиши);*

2.6. *Ўқитишнинг натижаси ва самарадорлигини баҳолаш (ҳар бир ўқитишдан сўнг тингловчининг қанчали ўзлаштирганлигини савол-жавоблар, тест саволлари ва хоказо йўллар орқали аниқлаб бориш. Натижаси қониқасиз бўлганда қайта ўқитиш ишларини ташкил этиши).*

3. Бош офиснинг таркибий бўлинма ва ҳудудий филиал ходимларини индивидуал тарзда жадвал асосида ўқитиш ишларини ташкил этиш, ҳар бир дарс якунида албатта семинар иштирокчисининг дарсни қанчали ўзлаштирганлигини савол-жавоблар орқали мониторинг қилиш, қониқарли ўзлаштирмаган ходимлар бўйича қайта дарс ташкил этиш чораларини кўриб бориш.

4. Жамиятнинг таркибий бўлинмалари ҳамда ҳудудий филиаллари ходимларини соҳа юзасидан сўнгги янгиликлардан хабардор қилиш ҳамда иш самарадорлигини янада оширишга таъсир этувчи мавзулар юзасидан соҳада муваффақиятга эришган, ҳозирги кунда мижозлар билан ишлаш бўйича ўз услубига эга мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ташкил этиш ҳамда барча ходимлар иштирокини таъминлаш.

5. Ходимларни ўз устида ишлашлари ва замонавий билмларга эга бўлиши ва ўз иш услубларида янги инновацион ғояларни кенг қўллаш мақсадида йилда икки мартаба хорижий компанияларда стажировка ва малака оширишларини ташкил этиш. Хусусан, Жамиятда ходимларни ўқитиш, ахборот технологиялари ва суғурта даъволарини кўриб чиқиш йўналишларини замонавий талабга мослаштириш мақсадида хориж тажрибаларини ўзлаштиришни ғоясини илгарига суриб бориш.

6. Бош офис ходимларини билм савиясини ҳамда замонавий дунёқарашларини ошириш ва бир сиёсат остида жамлаш мақсадида, бош офисда хар 2 ҳафтада 1 маротаба очик дарс, яъни маънавият ва маърифат куни ташкил қилиш. Бунда, барча ходимлар лектор сифатида иштирок этиши, суғурта соҳасига оид ва сиёсий янгиликлар ҳамда иш самарадорлигига ижобий таъсир этувчи асарлар тўғрисида маъруза ва тақдимотлар ўтказилади. Маъруза ва тақдимотлар мавзуси камида 3 кун олдин раҳбариятдан тасдиқдан ўтиши лозим.

7. Бош офиснинг таркибий бўлинма ва ҳудудий филиал раҳбарларининг ўз устида ишлашлари мақсадида республикамизнинг нуфузли олий таълим муассасаларида амалий машғулот, вебинар ва маҳорат дарслари ўтишини ташкил этиш.

8. Ҳудудий филиал ходимларининг суғурта хизматлари сифатини ошириш

9. Жамиятнинг “Олий таълим муассасаларининг битирувчи курс талабалари билан ишлаш, уларни мукофотлаш ҳамда жамиятда стажировка ўташ тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Тошкент шаҳридаги INXA университети, Тошкент Ахборот технологиялари университети талабалари учун “KAFIL-SUG`URTA GRANTI” танловини ўтказишни ташкил этиш.

10. Жамиятда мавжуд “Суғурта агентлари” тизимини янада такомиллаштириш, олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни янада кучайтириш, талабаларни суғурта агенти сифатида ишлашга қизиқтириш ва уларни ўқитиб, агент сифатида тайёрлаб Тошкент шаҳри бўйлаб маҳаллаларда ва кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борган ҳолда суғурталашни ташкил этиш.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан ҳамкорликда “Ўзбекистон суғурта бозорининг ривожлантириш истиқболлари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказиш.

12. Жамият тизимида фаолият юритаётган ва ишга янги қабул қилинган ходимларнинг назарий билимлари ҳамда амалий тажрибаларини доимий тарзда ошириб бориш мақсадида бош офиснинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари иштирокида онлай ва офлайн ўқув семинарлар ташкил этиш.

13. Ходимларни ўқитиш ва малака оширишларини ташкил этиш юзасидан ўзоқ йиллик тажрибага эга “UZBEKINVEST” ва “GROSS INSURANCE” суғурта компанияларининг иш тажрибасини ўрганиш ва улар билан тажриба алмашишни ташкил этиш.

14. Ўз.Рес Президентининг 02.08.2019 йилдаги ПҚ-4412-сонли қарорига асосан суғурта соҳасида камида 2 йил иш стажига эга бўлган ва жамиятда сидқидилдан меҳнат кўрсатиб келаётган ўрта маълумотли ходимларни соҳа йўналишида бакалавр маълумотига эга бўлишини таъминлаш мақсадида уларни ўқитишни ташкил этиш.

15. Жамиятда кадрлар захирасини шакллантириш ходимларнинг назарий билимларини ва малакаларини ҳамда амалий тажрибаларини доимий тарзда ошириб бориш, ихтиёрий ва мажбурий суғурта маҳсулотларини сотишни самарали ташкил этиш мақсадида худудий филиалларга хизмат сафарига чиқиш.

2.8 Жамиятда кадрлар сиёсати самарадорлигини ошириш режаси

. Жамиятнинг ташқи HR брендини янада яхшилаш (маркетингни янада кучайтириш, иш бозорида талабгорлар эътиборини, қизиқишини ошириш, учрашув тадбирларини ташкил этиш, ОТМлар билан ҳамкорликларни давом этириш, карьер кунларида фаол иштирок этиб бориш, Компанияни тақдимот этиб бориш)

2. “Ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тўғрисида”ги Тартибга асосан захира кадрларни шакллантириб бориш. Бунда асосан куйидаги 2 йўлдан фойдаланиш:

- “Малака ошириш” маркази орқали ўтказилаётган маҳорат дарсларида фаол иштирок этиб келаётган билмли, шижоатли ва қобилятли ёш кадрларни захира базасини яратиб бориш ҳамда уларни кузатиш бориш тизимини яратиш.

- тегишли ижтимоий тармоқлар, каналлар орқали келгусида кадрга эҳтиёж пайдо бўлиши мумкин бўлган иш ўринларига танлов бўйича эълонлар бериб бориш.

3. Келгусида зарур бўлиши мумкин бўлган номзодлар захирасини, жумладан суғурта агентлари, матбуот котиби, суғурта маҳсулотларини сотиш, қайта суғурталаш, ахборот технологиялари (АТ) йўналиши бўйича мутахассис ва бошқа эҳтиёжлардан келиб чиқиб номзодларни шакллантириб бориш.

4. Ходимларнинг меҳнат унумдорлиги даражасини ошириш чораларини кўриб бориш, унумдорлиги паст бўлган ходимлар билан ишлаш ҳамда самарасиз иш ўринларини қисқартириш.

5. Ходимларни иш унумдорлигини ошириши мақсадида махсус ўқув курсларини ташкил этиб бориш, бунда эътиборни асосан миждога тезкор ва

сифатли суғурта хизматини кўрсатиш билан боғлиқ сифатли курсларни ташкил этиш.

6. Ўз вазифасини лозим даражада бажармаётган ходимларни умидли кадрлар билан банд этиш чораларини кўриб бориш. Хусусан, график асосида таркибий бўлинма ва ҳудудий бўлинма раҳбарларининг раҳбарият олдида минбарда слайдлар орқали ҳисобот бериши (*ҳисоботида амалга оширган ишлари, мавжуд камчиликлари ва келгусида иш фаолиятини ривожлантириш юзасидан режалаштирган ислоҳатлари кўрсатилади*) тизими йўлга қўйилади.

2023 йилнинг январ ойида Бош офиснинг таркибий бўлинма раҳбарларини иш юзасидан тақдимотлари кўрилади.

7. “Бош офис ходимларни мукофотлаш ва рағбатлантириш тўғрисида”ги Тартибга асосан Бош офис ходимларини белгиланган байрамларда мукофотлаш ва ижтимоий тўпламлар орқали уларни рағбатлантириб бориш.

8. “Бош офиснинг энг яхши таркибий бўлинмасини аниқлаш ва мукофотлаш тўғрисида”ги Тартиб ва “Ҳудудий филиаллар фаолиятини баҳолаш, рейтингини юритиш, ходимлар ўртасида кўрик танлов ташкил этиш ва унинг ғолибларини тақдирлаш тўғрисида”ги Низомларга асосан ҳар ярим йиллик якуни бўйича муносиб ходимларни мукофотлаш ва аксинча қолоқ таркибий бўлинмаларга нисбатан тегишли таъсир чораларини кўришни ташкиллаштириш.

9. Замонавий бошқарувда кадрлар билан ишлаш сиёсати (қўлланма)ни, яъни HRM тизими бўйича махсус курсда малака ошириш ва Жамиятга жорий қилиш.

Ҳалқаро расмий ижтимоий тармоқлар ёки тегишли ўқув курслари орқали HRM тизимини ўзлаштириш.

10. Бош офис ходимларини ички қоидаларга риоя этишини, ишга ўз вақтида келиб-кетишни ҳисобини юритишни автоматлаштириш

11. Ҳудудий филиалларда суғурта махсулотларини сотишни янада ривожлантириш, ходимларни касбий маҳоратларини ривожлантириш ҳамда уларда сотувчилик қобилатларини юзага чиқариш борасида махсус мутахассислар ёрдамида семинар тренинглар ташкил этиш

12. Ходимларнинг ишчанлигини ошириш, уларга мотивация бериш ва тўғри йўл кўрсатиш мақсадида **машҳур инсонларнинг энг сара фикрлари қайд этилган пештоқларни** бош офис биносининг йўлак (каридор) деворларига ўрнатиш. Шунингдек, энг сараларидан камида 2 тасини ҳудудий бўлинмаларнинг офис биносига ўрнатиш.

13. Ўз навбатида, ўз вазифасини сидқидилдан бажараётган ходимларни спорт тўғаракларига боришлари учун имконият яратиб бериш.

14. Жамиятнинг ҳудудий филиаллар ходимларини янада яхшироқ ўрганиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва мавжуд муаммолар билан танишиш мақсадида барча ҳудудий филиалларга хизмат сафарига бориш.

15. Жамиятнинг ҳар бир йўналишга масъул бўлган бўлинма ва етакчи умидли филиал раҳбарларининг малака оширишлари, тажриба алмашишлари, замонавий руҳиятга эга бўлишлари ва орттирган малакасини Жамият равнақига хиссасини қўшишлари учун суғурта соҳаси ривожланган чет эл давлатларига юборилишини ташкиллаштириш.

16. Департаментда ҳужжат юритувни автоматлаштириш, электрон иш жилдаларини яратиш.

17. Ходимлар ўртасида аҳилликни ва бирдамликни сақлаш мақсадида йилда

2 маротаба жамоавий саёҳатни ҳамда Янги йил ва 8 март байрам тадбирларини кенг нишонлашни ташкил этиш.

18. Жамоада адолатлилик, иноқлик, жипслик, мўътадил ва соғлом мухитларни шакллантириш, маънавиятни янада ошириш мақсадида Бош офис ва Тошкент шаҳар филиаллари ходимлари учун:

- йилда 2 маротаба маънавият ва маърифат учрашувларини соҳага тегишли шахс иштирокида ташкил этиш.

- ҳар 2 ойнинг якуни билан кейинги ойнинг биринчи ҳафталигида Театрга боришни ташкил этиш.

2.9. Жамият инвестицион сиёсатини такомиллаштириш режаси

“Инвестиция ва корпоратив алоқалар” департаменти – Жамиятнинг фойда олиши мақсадида иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига суғурта мукофотлари ҳисобидан йиғилган маблағларни қисқа ва узоқ муддатли активларга жойлаштиради. Таркибий бўлинма ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 22.04.2008 йилда 41-сон буйруғи билан тасдиқланган “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобиляти тўғрисида”ги Низоми ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 15.12.2008 йилда №1882 сон билан рўйхатдан ўтган “Суғурталовчиларни суғурта захиралари тўғрисида” ги Низоми ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 16.07.2009 йилда №1982 сон билан рўйхатдан ўтган “Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестицион фаолияти тўғрисида” ги Низомлар асосида олиб боради.

Таркибий бўлинма – Жамиятнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ўз активларини қайтарилиш, ликвидлик, диверсификация ва фойдалилик принциплари асосида иш олиб боради.

Таркибий бўлинма 2024 йил учун қуйидаги устувор йўналишларни олдига мақсад қилиб белгилаб олган.

1. Жамият Устав фонди миқдорини ошириш йўналишида:

- 2024 йил 1-ярим йилликда 10,0 млрд. сўмга ошириш.
- 2024 йил 2-ярим йилликда 10,0 млрд. сўмга ошириш.
- 2024 йил якунига қадар 65,7 млн. сўмга ошириш.

2. 8 та юридик шахсларнинг уставидаги улушларни қайтариб депозитга йўналтириш йўналишида:

- 2024 йил якунига қадар 14,6 млн. сўм миқдоридаги улушларни қайтариш ва депозитга жойлаштириш.

3. Тижорат банкларидаги депозит миқдорини ошириш йўналишида:

- Тижорат банкларига 2024 йил якунига қадар қўшимча 60,0 млрд. сўм миқдорида депозит жойлаштириш орқали умумий миқдорини 120,0 млрд. сўмга ошириш;

4. Корхона балансидаги фойда келтирмаётган кўчмас мулкларни реализация қилиш йўналишида:

- Фойда келтирмаётган кўчмас мулкларни сотиш орқали тушган маблағларни депозитларга жойлаштириш.
- Жамият ўз инвестицион фаолиятини ривожлантириб бориши натижасида унинг миқдори 2 баробарга оширилишига эришилади.

2.10. Жамиятнинг 2024 йил учун даромад ва харажатлар режаси

№	Кўрсаткич номи	2023 йил прогноз	2024 йил режа				
			Жами	1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Суғурта мукофоти	180 000,00	250 000,00	55 000,00	75 000,00	55 000,00	65 000,00
	Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар	142 634,89	221 500,00	50 225,00	63 925,00	50 225,00	57 125,00
	Суғурта хизматлари кўрсатишдан соф тушум	142 634,89	221 700,00	50 275,00	63 975,00	50 275,00	57 175,00
	Кўрсатилган суғурта хизматлари таннарихи	113 616,00	168 376,83	37 132,90	50 363,05	37 132,90	43 747,97
2	Ялпи молиявий натижа	29 018,89	53 323,17	13 142,10	13 611,95	13 142,10	13 427,03
3	Давр харажатлари, шу жумладан	32 892,70	36 242,06	7 973,25	10 872,62	7 973,25	9 422,94
4	Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	2 983,42	17 081,11	5 168,84	2 739,33	5 168,84	4 004,09
5	Инвестиция фаолиятдан даромадлари	4 215,03	13 988,60	2 732,13	3 298,79	3 723,79	4 233,89
6	Фойда солиғи тўлангунга қадар даромад (зарар)	6 357,36	29 469,71	7 500,97	5 638,13	8 492,64	7 837,98
	<i>Фойда солиғи (15%)</i>	<i>953,60</i>	<i>4 420,46</i>	<i>1 125,15</i>	<i>845,72</i>	<i>1 273,90</i>	<i>1 175,70</i>
7	Соф фойда (зарар), шу жумладан тақсимланиши:	5 403,76	25 049,26	6 375,82	4 792,41	7 218,74	6 662,28